



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 17 март, сешанба, №29 (3675).



»» Президент



ПРЕЗИДЕНТ – РЕСПУБЛИКА РЕФЕРЕНДУМИДА



ПРЕЗИДЕНТ ЭКЗИТ-ПОЛЛ НАТИЖАЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев республика референдуми якунларига бағишланган экзит-полл натижалари билан танишди. Бу ҳақда “Қазмедиа орталығы” студиясида маълум қилинди.

Давлат раҳбари халққа салимий миннатдорчилик билдириб, бу танлов мамлакат тарихи ва тақдири учун муҳим аҳамият касб этишини қайд этди. Шунингдек, у референдум натижалари халқимизнинг юксак фуқаролик муносабати ва ватанпарварлик туйғуларини намоён этганини таъкидлади.

– Шубҳасиз, бу кун мамлакат тарих солномасида абадий сақланиб қолади. Энди 15 март юртимизнинг асосий ҳужжати – Конституция кун сифатида нишонланади, – деди Президент. Давлат раҳбари референдум юксак савияда, очиқ ва адолатли ўтганини айтди. Унинг фикрича, жараён давомида барча

қонун талаблари ва демократик меъёрлар қатъий сақланган. Бу ҳолатни мамлакат ва хорижлик кузатувчилар ҳам тасдиқламоқда.

Президентнинг таъкидлашича, фуқаролар томонидан билдирилган танловнинг якуний натижалари қонунга мувофиқ Марказий референдум комиссияси томонидан расман эълон қилинади. Шу билан бирга, бугунги овоз бериш жараёни халқнинг бирлик ва ҳамжиҳатлик, Ватан тақдири учун масъу

улият ҳиссини намоён этганини кўрсатди.

Президент, шунингдек, референдум жараёнида ёшларнинг фаол иштирок этганини алоҳида эътироф этиб, уларга миннатдорчилик билдирди.

– Ёшларимизнинг фаоллиги мамлакатимиз келажагига ишонч бағишлайди. Бирлик ва ҳамжиҳатлик билан биз адолатли, тараққий этган ва рақобатбардош давлат барпо этамиз, – деди Давлат раҳбари.

Akorda.kz.

»» Наврўз: Чанғароқ кун

Бирлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли

Наврўз айёмида нишонланаётган Чанғароқ кун халқлар ўртасидаги дўстлик, оилавий қадриятлар ва миллий бирликни ифода этадиган муҳим сана ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда турли миллат вакиллари ягона чанғароқ остида тинч ва ҳамжиҳат ҳаёт кечирмоқда.



Ушбу байрамнинг мазмун-моҳияти ҳақида вилоятимиз этномаданият бирлашмалари раҳбарлари қандай фикрда? Уларнинг Чанғароқ кун аҳамияти ҳақидаги мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Икромжон ҲОШИМЖОНОВ, ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятининг фахрий раиси:

– Баҳор келиши билан халқ орасида қадимий аъналарга бой байрамлар бошланади. Ана шу байрамлар силсиласида алоҳида маъно ва мазмунга эга бўлган муҳим сана – Чанғароқ кунидир. Бу кун халқнинг оилавий қадриятлари, авлодлар давомийлиги ва миллий бирлик ғоясини улуғлаб, инсонларни ота-боболардан мерос бўлиб келаётган урф-одатларни асрашга чорлайди. Байрам Наврўз тантаналари доирасида нишонланиб, халқнинг маънавий мероси ва миллий ўзлигини яна бир бор намоён этади.

Чанғароқ – аънавий кўчманчи турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган ўтовнинг энг муҳим қисми саналади. У уй-

нинг тепасида жойлашган доира шаклидаги тузилма бўлиб, том устуни вазифасини бажаради. Чанғароқ орқали уй ичига ёруғлик тушади, ҳаво алмашади ва табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ифодаланади. Шу сабабли у қадимдан муқаддас рамз сифатида кўзда тутилган.

Қозоқ халқининг урф-одатларида чанғароқ оила бирлигининг белгиси ҳисобланган. Янги уй қурилганда чанғароқни ўрнатиш маросими алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда қариндош-уруғлар ва ўқи-қўшнилар йиғилиб, янги оилага бахт ва барака тилашган. Чанғароқнинг мустақам туриши оиланинг барқарорлиги ва фаровон ҳаётининг рамзи сифатида қабул қилинган.

Шу билан бирга, чанғароқ авлодлар давомийлигини ҳам аңглатади. Қадимда ота ўз уйининг чанғароқини ўғлига мерос қилиб қолдирган. Бу орқали оила аъналари, тарихий хотира ва маънавий қадриятлар кейинги авлодларга етказилган.

(Давоми 2-бетда.)

Халқ маданияти ва ўзлиги тимсоли

18 март – Миллий либослар кун. Бу кун халқнинг бой маданий меросини, урф-одатларини ва миллий ўзлигини намоён этувчи байрам сифатида нишонланади. У инсонларни миллий қадриятларни асраш ва уларни келажақ авлодларга етказишга чорлайди.

Ҳар бир халқнинг миллий либоси унинг тарихи, турмуш тарзи ва эстетик қарашларини акс эттиради. Қозоқ миллий либослари ҳам асрлар давомида шаклланган бўлиб, кўчманчи ҳаёт тарзи, табиат шароити ва халқнинг дунёқарашини ўзида мужассам этган.

Либос инсоннинг ташқи кўриниши билан бирга унинг ички дунёси ва миллий ғурурини ҳам намоён этган.

Қозоқ миллий либослари турли хил бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян вазифа ва маънога эга.

Бу кун мактаблар ва олий таълим муассасаларида ўқувчи-талабалар миллий либосларда бориб, халқ аъналарини намоён этадилар. Бу эса ёш авлоднинг миллий маданиятга бўлган қизиқишини оширади.



Миллий либослар кун одамларга ўз маданияти ва тарихи билан фахрланиш имконини беради. Инсон миллий либос кийган пайтда халқнинг аъналарини ҳис қилади, унинг тарихи ва маданияти билан боғлиқлигини аңглайди.

Миллий либослар кун ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу байрам орқали болалар ва ёшлар ўз тарихи ва маданияти ҳақида кўпроқ маълумот олади. Миллий либосларнинг маъноси ва унинг халқ ҳаётидаги ўрнини

тушуна бошлайди. Шу билан бирга, миллий либос инсонда миллий ғурур ва ўзлик ҳиссини шакллантиради. Бу эса келажақда миллий маданиятни асраб қолишга хизмат қилади. Ушбу байрам халқни ўз маданиятини қадрлашга, унинг бой тарихини унутмасликка ва келажақ авлодларга етказишга чорлайди. Миллий либослар орқали инсон ўз илдизларини ҳис қилади ва халқнинг маданий меросига ҳурмат билан қарайди.

Akorda.kz маълумотлари асосида.



РЕФЕРЕНДУМ:
9 126 850 миллион фуқаро овоз берди

Kazinform. Республика бўйлаб 9 126 850 фуқаро референдумда овоз берди. Бу рўйхатга киритилган фуқароларнинг 73,24 фоизини ташкил этди. Бу ҳақда Марказий референдум комиссияси раиси ўринбосари Мухтар Ерман маълум қилди.

»» 18 март – Миллий либослар кун

Вилоят ҳокими референдумда овоз берди

Аҳолиси зич Туркистон вилоятида ҳам фуқароларнинг референдумдаги фаоллиги юқори бўлди. Минтақа раҳбари Нуралхан Кўшерев Х. Яссавий номидаги ХҚТУ биносидаги 133-сайлов участкасида овоз берди.

Вилоятда жами 948та референдум участкаси ташкил этилди. Уларнинг 26таси ёпиқ турда.

Минтақада 2 миллион 154 мингдан зиёд одам истиқомат қилади. Улардан 1 миллион 187 минг 257 нафари овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб, бу умумий аҳолининг 55,4 фоизини ташкил этади.

Республика референдумига вилоятда пухта тайёргарлик кўрилди. Жами 6380 нафар комиссия аъзоси сиёсий жараёнга жалб этилди.

Улардан 17 нафари вилоят комиссияси, 119 нафари 17та ҳудудий комиссия ва 6254 нафари 947та участка комиссияларида фаолият юритди. Комиссия аъзоларининг 97 фоизи турли даражадаги сайлов ва референдумларни ўтказиш тажрибасига эга.

Референдум жараёнини кузатувчилар ҳам назорат қилди.

Умуман олганда, Туркистон вилоятида референдум юксак савияда ўтди.



ХАЛҚ ИРОДАСИ – ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ

Астана шаҳрида Президент Қасим-Жумарт Тоқаев иштирокида ўтган барча даражадаги маслаҳат депутатларининг III Республика анжуманида иштирок этдим.

Мамлакатнинг барча ҳудудларидан келган икки мингга яқин депутат иштирок этган мазкур анжумани юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Тadbир доирасида маҳаллий ҳокимият тизими ролини кучайтириш, минтақавий сиёсат самардорлигини ошириш ҳамда мамлакат тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилаш масалалари атрофида муҳокама қилинди.



БАРҚАРОРЛИК ВА БИРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Анжуманда сўзга чиққан Давлат раҳбари бугунги кунда жаҳонда юз бераётган мураккаб геосиёсий жараёнларга алоҳида тўхталди. Унинг таъкидлашича, дунёвий беқарорлик кучайиб бораётган бир шароитда мамлакат бирлиги ва самарали давлат бошқаруви ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

– Мамлакат тақдири учун институционал масъулиятнинг кучайтирилиши – барча сиёсий ўзгаришлар моҳияти. Фақат бир нуқтасига таяниб қурилган сиёсий тизим барқарор бўлмайди. Буни дунё амалиёти исботлаб берди. Биз ҳақиқий халқ ҳокимиятини барпо этишимиз, унинг асосида эса барқарор қадриятлар туради: ижтимоий адолат, ватанпарварлик, қонун устуворлиги ва жамият тартиби, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари, таълим, фан ва технологияларга устуворлик, ҳамда, албатта, Давлатимизнинг Мустиқлиги ва ҳудудий яхлитлиги, – деди Президент.

Юртбоши 1995 йилги Конституцияда асосий эътибор давлат ҳокимиятининг пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилгани, бу эса ўша давр учун тўғри қадам бўлганини қайд этди.

ЁШЛАР – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Анжуманда Давлат раҳбари ёшларга алоҳида муурожаат қилди. Унинг таъкидлашича, янги Конституция, аввало, ёшлар учун муҳимдир.

– Янги Конституция лойиҳаси, энг аввало, ёшлар учун қабул қилинмоқда. Чунки янги даврда мамлакат тақдири ёшлар қўлида, – деди Президент.

Бу муурожаат ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва мамлакат тараққиётига фаол ҳисса қўшишга чақириқ бўлди.

Президент таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг энг асосий қадрияти – бу ички барқарорлик ва жамиятдаги бирликдир. Давлат тараққиётининг муваффақияти эса, энг аввало, жамиятдаги ишонч ва масъулиятга боглик.

– Бирлик, масъулият, бағрикенглик ва ишонч – булар жамиятимизнинг ўзига хос хусусиятларига айланаб бормоқда. Қувонарлики шундаки, ёшларимиз бу тамойилларнинг мамлакатимиз фаровон келажаги учун қанчалик муҳим эканлигини англайдилар. Биз барчамиз юртимизнинг ёш иқтидорларини спортда, санъатда, фан ва технологияда, тадбиркорликдаги ютуқларини самимий қувонч билан қарши оламиз, уларнинг хизматларини жамоатчилик эътирофи ва давлат мукофотлари билан рағбатлантираемиз, – деди у.

ИСЛОҲОТЛАР – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Президент мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳиятига ҳам алоҳида тўхталди. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, бу ўзгаришларнинг асосий мақсади – халқ фаровонлигини юксалтиришдир.

Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни рангбаранглаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар пировард натижада аҳолининг ҳаёт сифати яхшиланишига хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, янги Конституция лойиҳаси мамлакат сиёсий тизимини янгилашда муҳим аҳамият касб этади. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, янги Асосий қонун давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқади.

Президент янги Конституцияни «Адолатли, кудратли ва хавфсиз Қозоғистоннинг паспорти» деб атади.

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

Янги Конституция лойиҳаси ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувоzanатни таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган. Унда «Давлат инсон учун хизмат қилиши керак» деган тамойил устувор аҳамият касб этади.

Конституция лойиҳасида инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш масалалари асосий ўрин эгаллайди. Бу ўзгаришлар мамлакатда ҳақиқий демократик институтларни шакллантиришга хизмат қилади.

Янги Конституцияга муҳим янгилликлар ҳам киритилди. Масалан, ушган жиноятга дахлдорларнинг судланганлик ёки жазоси бекор қилинган ҳолда ҳам сайланиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Адолат тамойилларига мос равишда мулк эгаллигига дахлсизлик кафолатланди. Шунингдек, асосий қонунга янги тизимлар ҳам киритилди – адвокатура тизими ва «Миранда қоидаси». Бу инсоннинг судда ҳимояланиш ҳуқуқи ва ҳуқуқий ёрдам олиш кафолатини кучайтиради.

Конституцияда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳам ҳимоя қилинади. Бу нафақат шахсий омонат ва хабарлар сирини, балки банк операциялари ва шахсий маълумотларга ҳам тегишли. Бу рақамли технологиялар ва молия соҳасининг тез ривожланаётган даврида жуда муҳимдир. Яъни, Қозоғистон шу билан бирга шахсий маълумот ва рақамли ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кафолатини ҳам конституциявий даражага кўтарди.

Бундан ташқари, давлат фаолиятининг конституциявий тамойили сифатида илмий таълим, маданият ва инновациялар тараққиёти илк бор белгиланди.

Мамлакатимизда жаҳондаги иқтидорли инсонлар ва сармоядорларни жалб қилиш учун улкан салоҳият мавжуд. Бу инсон капитали сифатини яхшилашда муҳим қадамдир.

Шу боис, заковат мулкни ҳимоя қилиш илк бор Конституция даражасида белгиланди. Бу ижодий иқтисодиётнинг тараққиётига янги суръат бағишлайди.

ИЖТИМОЙ СОҲА – ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИБОРИДА

Анжуманда мамлакат иқтисодиёти тараққиётига оид муҳим рақамлар ҳам келтирилди. Қайд этилганидек, ўтган йили мамлакат ички ялпи маҳсулоти 306 миллиард долларга етди ва Қозоғистон иқтисодиёти жаҳоннинг энг йирик 50 иқтисодиёти юксак давлатлар қаторига кирди. Шунингдек, мамлакат Марказий Осиёда хорижий сармоялар жалб қилиш бўйича етакчи давлатлардан бирига айланди.

Айни пайтда давлат бюджети маблағларининг асосий қисми ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Чунки мамлакатнинг энг катта бойлиги – инсон капитали ҳисобланади.

Тadbирда билдирилган фикр ва ташаббуслар мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиясини белгилаб берди.

Алтинсари УМБЕТАЛИЕВ,
“AMANAT” партияси вилоят бўлими раиси.

Боксчилар – юрт келажаги учун



Қозоғистон Республикасининг бокс бўйича миллий терма жамоаси Тўлебий туманидаги «Алма Тау» спорт базасида ўқув-машғулот йиғинини ўтказмоқда.

Тайёргарлик жараёнида терма жамоа аъзолари мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий тadbирдан четда қолмадилар.

Спортчилар Тўлебий туманининг Ақбастау қишлоғида жойлашган

760-сайлов участкасида ўз фуқаролик бурчини адо этиб, танловини амалга оширдилар.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Бирлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Наира» вилоят арман этномаданият бирлашмаси раисаси Наира Мовсиёва:

– Чанғароқ рамзининг аҳамияти шу қадар улканки, у мамлакат давлат рамзларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Қозоғистон гербининг марказида айнан чанғароқ тасвири жойлашган. Гербдаги чанғароқ атрофида қанотли тулпорлар ва нурлар акс этган бўлиб, у халқнинг бирлиги ва умумий уйи – Ватан ғоясини ифода қилади.

Бу рамз мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ягона чанғароқ остида бирлашган катта оила эканлигини англатади. Яъни барча фуқаролар тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаб, Ватан равнақи учун хизмат қилади.

Сармонбой САФАРОВ, «Ахиска» турк этномаданият бирлашмаси раиси:

– Чанғароқ кунининг асосий мазмуни – оила қадриятларини улуғлаш ва авлодлар ўртасидаги боглиқликни мустаҳкамлашдир. Бу кунда одамлар ота-онаси, катта авлод ва қариндошларини зиёрат қилиб, уларнинг ҳолидан хабар олади. Ягона дастурхон атрофида йиғилиш, катталарнинг дуосини олиш ва оилавий анъаналар ҳақида суҳбатлашиш байрамнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Шу билан бирга, шаҳар ва қишлоқларда турли маданий тadbирлар, концертлар ва миллий ўйинлар ташкил этилади. Мактаблар ва олий таълим муассасаларида маърифий учрашувлар ўтказилиб, ёшларга чанғароқ рамзининг маъноси ва халқ тарихидаги ўрни тушунтирилади.

Инсон айнан оилада меҳр-оқибат, ҳурмат, масъулият ва ҳамжиҳатлик каби қадриятларни ўрганади. Агар оила



мустаҳкам бўлса, жамият ҳам барқарор бўлади. Шу маънода чанғароқ нафақат бир уйнинг рамзи, балки бутун халқнинг бирлигини англатади.

Ақбаржон ИСМОИЛОВ, ҚР тожик ЭМБ раиси:

– Бугунги дунёвийлашув даврида миллий анъаналарни сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чанғароқ кунини ана шу мақсадга хизмат қилади. Бу сана одамларни ўз тарихи ва маданий меросини қадрлашга ундайди.

Қозоғистон кўп миллатли давлат бўлиб, унда турли халқлар ва маданиятлар вакиллари истиқомат қилади. Бироқ уларни бирлаштириб турадиган умумий қадриятлар мавжуд. Чанғароқ ана шу бирликнинг рамзи ҳисобланади.

Ягона чанғароқ остида бирлашган жамият тинчлиги, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланади. Бу эса ҳар қандай давлат тараққиётининг муҳим омилidir.

Асхат ҚУРБОНОВ, ҚХА қошидаги уйғур этномаданият бирлашмаси вилоят филиали раиси:

– Чанғароқ кунини – оила, бирлик ва миллий қадриятларни улуғловчи маънавий байрамдир. Бу сана халқни ўз тарихини эслашга, анъаналарини қадрлашга ва авлодлар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлашга чорлайди. Ягона чанғароқ остида бирлашган жамият эса тинчлик ва тараққиётнинг энг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

А. АБДУФАТТОВ.

»» 35 йилликка – 35 эзгу тадбир



САХОВАТ – ЭЗГУЛИК КЎПРИГИДИР

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг “35 йилликка – 35 тадбир” акцияси доирасида муқаддас Рамазон кунларида эзгу тадбир уюштирилиб, Шимкент шаҳри ҳамда Сайрам туманининг Қорабулоқ, Орис, Манкент, Оқсувкент, Қорамурт ва Кўлкент қишлоқларида истиқомат қилувчи кам таъминланган ва кўп болали оилаларга озиқ-овқат саватлари тарқатилди.

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг Бош муҳаррири Р. Алибоев мазкур тадбирнинг аҳамиятини юксак баҳолаб:

– Газетамизнинг юбилейига бағишланган турли маданий-маърифий ҳамда хайрия тадбирлари, шунингдек, спорт мусобақаларини ўтказишни режаланганмиз. Муборак Рамазон ойида амалга оширилган мазкур хайрия тадбири халқимизга хос саховат ва бағрикенглик анъаналарининг ёрқин намунаси. Ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш, эҳсон қилиш, яхшилик улашиш инсон қалбини поклаб, жамиятда ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва инсонпарварлик туйғулари кучайтиришга замин яратади, – деди.

Мазкур тадбирни ташкил этиш ва уни ўтказишда яқиндан ёрдам кўрсатган газетамиз жонкуярлари – таниқли суҳандон Абубакир Хонхўжаев, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Аббос Шомирзаев, шунингдек, Сайрам туман ички сиёсат бўлими ходимлари, Манкент, Қорамурт, Орис, Кўлкент, Қорабулоқ қишлоқлари ҳоким-



ликлари ва саховатли ҳомийларга таҳририят номидан самимий миннатдорчилик билдира-миз.

Эзгу ишлар бардавом бўлсин, қалбимиздан саховат ва меҳр-оқибат туйғулари аримасин! Жамиятда яхшилик ва инсонпарварлик го-яларини тарғиб этиш борасидаги бундай тадбирлар таҳририятимиз томонидан келгусида ҳам давом эттирилади.

3. МҮМИНЖОНОВ.

ИЙДИ РАМАЗОН – ҲАЙИТ БАЙРАМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Қуръони каримда: “Ким Аллоҳнинг фарзларини улуғласа, бас, албатта, шод қалбларнинг тақвосидир”, дейилган.

“Жанубий Қозоғистон” газетаси мушаррийлари – ҳурматли рўздор юртдошларимизни кўшалоқ тантана – ийди рамазон байрами ҳамда кун ва тун тенглашган Наврўзи айём шодиёнаси ила самимий муборакбод этман.

Мусулмонлар ҳайит айёмида бисотидаги энг яхши либосларни кийиб, шукрона ва шодон кайфиятда бир-бирини табриқлаб, яхши ниятларини изҳор қилишади. Ота-она, қариндош-уруғ, яқинларни зиёрат этиш, рамазон ойининг фитр садақасини бериш мувофиқдир.

Бухорий, Термизий каби алломалар ҳаётидан олинган ривоятда фитр кунини улар таом емасдан олдин фитр садақасини беришга одатланганлиги қайд этилади.

Ибн Аббос (р.а)дан ривоят қилинишича: “Фитр беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан покла-ниш ва мискинлар учун таомла-ниш бўлсин”, деб фарз қилди. “Ким уни намоздан олдин адо қилса, закот, намоздан кейин адо қилса, садақа бўлур”, деди. Кўни-кўшнлар уйларига кириб таомлардан баҳраманд бўлиб, оила аъзоларига соғлик тилаш аънанаси асрлар оша давом этмоқда. Пайғамбаримиз (с.а.в): “Эй, мўминлар, саломни ёйин-лар, меҳмондўстлик, меҳри мўл қариндошлик муносабатини кучайтиринлар, намоз ўқинлар, албатта, жаннатга кирасизлар”, деган (Имом Ибн Мажи).

Пайғамбаримиз яна бир ҳадисиде: “Бир-бирларингга

туҳфа беринлар, меҳр-оқибат ортади”, деган. Туҳфаларнинг турлари кўп. Кексаларга совға бериш ўринли.

Ҳайитнинг чиройли кўрини-ши – зиёрат қилиш савоби улуғ амаллардан. Қуръони карим-нинг Носа сураси 36-оятда шундай дейилади:

“Аллоҳга ибодат қилинлар ва унга ҳеч нарсани ширк кел-тирманлар. Ота-онага, қарин-дошга, етимларга, мискинлар-га, яқин кўшнига, ён кўшнига, ён соҳибга йўқсил йўлчига ва кўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинлар. Албатта, Аллоҳ димоғдор ва мақтанчоқ кимсани суймас”.


Халқимизда “Узоқлашиш ёт-нинг иши, яқинлашиш ҳақнинг иши”, деган ҳикмат бор. Мусул-мон одам яқинлари билан яхши алоқада бўлиб, ҳайит кунлари қариндошлик алоқаларини кучайтиришга эътибор қилиши керак.

Аллоҳ розилиги учун яқин-ларингизни зиёрат қилиш тўғ-рисида Пайғамбаримиз (с.а.в) шундай ҳикоя қилади: “Бир ким-са бошқа шаҳарда яшайдиган кадрдон билан кўришиш учун йўлга чиқади. Шу вақтда Аллоҳ Таоло унга ҳамроҳ йўловчи суратида фариштини рўпара қилади. Фаришта ҳалиги одам-дан:

“Қаерга бораяпсан”, деб сў-райди. – Мен фалон шаҳарда яшайдиган кадрдонимни йўқ-лаб, йўлга чиққанман, – деб жавоб беради йўловчи.

Фаришта яна сўрайди: – Сен унга бир яхшилик қилиб, фойдасини топай, деб боряпсанми?

У одам эса: – Йўқ, ҳақиқатдан мен уни



Аллоҳ учун яхши кўраман, – деб жавоб беради.

Шунда фаришта:

– Сен кадрдонингни қандай яхши кўрсанг, Аллоҳ ҳам сени шундай яхши кўради, – деб хи-тоб қилади.

Ҳайит кунини эрталаб одамлар намозга отланганида, Аллоҳ Таоло айтар экан: “Менинг қул-ларим буюрган ишимни бажа-риб бўлгач, ҳаққини олишга келаяпти. Бугун бир ой рўздор бўлган мўмин мусулмонларга туҳфам – уларнинг гуноҳлари-ни кечдим”, деган экан.

Аллоҳ Таоло ийди рамазон ҳайитини ҳаммамизга муборак қилсин. Бажарган яхши амал-ларимизни қутлуғ даргоҳида қабул этиб, келаси йили мана шундай мунаввар кунларга соғ-омон, тинчлик, ҳаловат огу-шида етишимизни барчамизга насиб айласин!

Жумадулла АБЕНОВ,
Саврон туманининг
фахрий фуқароси.



ХАЙР-САХОВАТ ОЙИ

Рамазон ойининг биринчи ўн кунлигида Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги “Ошбулоқ” жоме масжиди имоми Ҳаётулла Алиқуллов ташаббуси билан хайрия тадбири ташкил этилди.

Ушбу хайри иш “SAHIY” ва “Адал кемак” хайрия бирлашмалари ҳамкорлигида, шунингдек, хусусий тадбиркорлар ҳомийлигида амалга оширилди.



Тадбир доирасида қишлоқдаги боқувчисидан айрилган ҳамда кам таъминланган 200 оилага озиқ-овқат саватчалари тарқатилди. Бу ишда маҳалла кўмитаси раислари ва фаоллар яқиндан кўмак бериб, тадбирнинг юксак савияда ўтишига ҳисса қўшдилар.

Мазкур тадбир Рамазон ойининг инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат каби эзгу қадриятларини яна бир қарра намойён этди.

ХАЙРИЯ ИФТОРЛИГИ ЎТДИ

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги “Султонийез ота” тамаддиҳонасида рўздорлар учун ифторлик дастурхони ёзилди.

Хусусий тадбиркорлар Собиржон Анорхонов, Сардор ва Абди-ҳалил Анортоевларнинг ҳомийлигида ўтказилган тадбирни ташкил этишда “Sahi” хайрия бирлашмаси ҳамда “Саховатли аёллар” кен-гаши аъзолари ҳам улкан ҳисса қўшишди.

Ифторликка қишлоқдаги кам таъминланган оилаларнинг фар-зандлари, кўзи ожиз юртдошлар ҳамда “Ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази” муассасаси ҳимоясига олинган имконияти чекланган фу-қаролар таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Сайрам туман “Кўзи ожизлар жамияти” раҳбари Тўлқин Каримшиқов, Қорабулоқ қишлоғи ҳокими ўринбоса-ри Дилмурод Усмонов ҳамда “Ошбулоқ” жоме масжиди имоми Ҳаё-тулла Алиқулловлар иштирокчиларни муборак Рамазон билан қут-лаб, ҳомийлар ва ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирдилар.

Тадбир сўнггида Қуръон тиловат қилинди. Меҳмонларни тадбирга олиб келиш ва уйларига етказишда “Са-лом такси” жамоаси яқиндан кўмаклашиб, хайри ишга муносиб ҳисса қўшди.

Бундай эзгу тадбирлар туманда кенг қўлоч ёймоқда.

3. МҮМИНЖОНОВ.

»»Инсон ўзинг

Тожимат Шодмонов 1957 йил 9 май кунини дунёга кел-ган. У болалик йиллариданоқ санъат ва спортга қизиққан. Шимкент шаҳридаги рассом-чилик билим юртини тамом-лаган. Бу давр унинг ижодий ва маданий фаолиятининг шаклланишида муҳим бос-кич бўлди.

1979 йилда Ипобузган қиш-лоғи клубида мудир сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. У клубда маданий тадбирлар ва концертларда фаол ишти-рок этди.

Тожимат Абдумажид ўғли “Султонраб” вокал-чолғу дастаси аъзоси сифатида ма-даний соҳасининг тараққиёти-га ҳисса қўшган.

1986 йилда “Султонраб” дастаси республика танлови-да ғолибликни қўлга киритган. Сўнг турли фестиваллар ва маданий тадбирларда иш-

“ХАЛҚ ДАСТАСИ” ДАН – ФУТБОЛ МАЙДОНИГАЧА

баевнинг таклифи билан “Ор-дабасы” спорт клубига ишга қабул қилинади.

М. Сапарбаев 1980 йилдан бошлаб 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт клубининг футбол бўлими директорини сифатида фаолият юритиб, 1983 йилда юқори малакали спортчилар тайёрлагани учун ушбу муассасани олимпия за-хиралари ихтисослаштирилган ёшлар спорт мактабига айлан-тирган. Унинг раҳбарлигида мактаб 1206 нафар чемпион ва 1030 республика совриндори-ни тарбиялаган, улар орасида Урта Осиёда ўн марта чемпи-он бўлган спортчилар ҳам бор. 2001 йилда мактаб ёшлар тер-ма жамоаси Қозоғистон халқи



маънода дўстлик элчиси. Бир-га яшил майдонда тўп сур-ган турли миллат вакиллари учрашиб қолса, кучоқ очиб саломлашади ва ҳеч қачон бир-бирига ёмонликни раво кўрмайди. Шу боис спортнинг ушбу тури эътибордан четда қолиб кетмаслиги керак, – дей-ди Тожимат Абдумажид ўғли.

қаратилган бўлади. Жамоа билан бир мақсад – ғалаба учун барча кучингизни сарф-лайсиз. Унга эришасиз ҳам. Шу дамдаги қувончнинг бошқа ҳеч жойдан тополмайсиз. Футбол ана шундай ўйин. Шу боис у миллионлар ўйини дейилади. Бир вақтлар қишлоғимиздан чиққан “Султонраб” жамоаси



тирок этиб, катта ютуқларга эришган. Шу йили бадий жа-моага “Халқ дастаси” унвони берилган.

Т. Шодмоновнинг оилавий дастаси ҳам жамоатчиликка яхши таниш. Қозоғистон теле-видениесининг “Тамаша” дас-турида томошабинлар томони-дан илиқ қарши олинган.

– Оилавий дастамизнинг эл-га танилишида таниқли санъ-аткор Холмурод Тўлашовнинг ҳиссаси беқиёс, – дейди Тожим-ат Абдумажид ўғли. – Иқти-дорли шогирдим, соҳир овоз соҳиби Икромжон Бердибоев билан фахрланаман.

1996 йили у санъат соҳа-сидаги фаолиятини яқунлаб, спорт йўналишида иш бош-лаган. 2000 йилдан эса у Қо-зоғистонда хизмат кўрсатган мураббий Махамбет Сапар-

І Спартакиадасида бронза ме-далини қўлга киритган, 2002 ва 2004 йилларда эса Қозоғистон мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилган спарта-киадада чемпионликни қўлга киритган. Бу муваффақиятлар-да ҳам қаҳрамонимиз Тожимат Абдумажид ўғлининг ҳиссаси залворли. Ҳозирги кунда ҳам унинг тарбияси остида кўплаб иқтидорли футболчилар ети-шиб чиқмоқда.

– Тенгдошларингизга қў-шилиб, кўча чангитиб, тўп телиб ўтган шўх-шаддод бо-лалигингизни эслаганингизда ва кейинчалик футбол сабаб орттирган сафдошларингизни ёдга олганингизда, албатта, улар орасида бора-бора яқин дўстларингизга айланб кет-ган инсонлар кўзи ўнгингизда гавдаланадику. Футбол том



Шогирдлари орасида ака-ука Шодмоновлар, В. Пўлатов, Б. Тошпўлатов, Х. Абдукарим-ов, С. Қамбаров, Э. Юнусов каби спортчилар бор. Уларнинг айримлари “Ордабасы” олий лига жамоаларида, шунингдек, Қозоғистон ва Малайзия клуб-ларида ҳам фаолият юритган.

– Футболга миллионлаб одамлар иштирокчи, – дейди сўхбатдошим. – Лекин ҳақи-қий завқни фақат майдонга тушиб, тўп сурмагунча ҳис қилмайди. Майдонда борли-гингизни унутасиз, фикрингиз ва хаёлингиз бутунлай ўйинга

ҳам вилоятимиздаги юзлаб ҳа-васкор футбол жамоаларидан бирига айланди. Ўтган йиллар-да бу жамоада кимлар тўп сур-мади, кимлар тарбияланмади, деярли ҳаммасини бирлаш-тирган ягона нарсаси – футболга бўлган муҳаббат эди. Минглаб ёшлар учун ўша давр ҳақиқий илҳом ва рағбат манбаи бўлди.

Тожимат Шодмоновнинг санъат ва спортдаги фаолияти ёшлар учун ибратдир.

Отабий РАҲИМҒОЗИЕВ,
Тўлебий тумани.

ҚАДРИ УЛУҒ, ҚАЛБИ ДАРЁ МУАЛЛИМА

Суҳбатдошимиз ҳаёт синовларида тобланган, иродаси мустаҳкам ва қатъиятли инсон. У фикрлаши теранлиги, адолатпарварлиги ва талабчанлиги билан ажабли туради. У сокин аёл. Лекин бу сокинлик ортида катта куч бор. Жасорат ҳам, вазминлик ҳам унда атарли.

У қарорларида қатъий, мақсадлари аниқ, масъулиятдан қочмайди. Қийинчиликлардан чекинмайди, тўғри деб билган йўлидан қайтмайди. Қуйида ана шу фазилатларга эга шахс – Қорабулоқ қишлоғидаги 10-сонли мактаб директорининг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари Насиба Йўлдошбекова билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.



– Сизнингча ички қадр-қиммат нима ва уни тарбия жараёнида қандай ўйунлаштириш мумкин?

– Мен учун ички қадр-қиммат, авваламбор, инсоннинг ўзини ҳурмат қила билишидир. Чунки ўзини қадрлаган, ўз шаъни ва ор-номусини асрай олган киши бошқаларга ҳам ёмонликни раво кўрмайди. Ўз қадрини англаган инсон табиий равишда атрофдагиларга ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлади.

Қадр-қиммат мактаб ва таълим-тарбия билан чамбарчас боғлиқ. У болани фақат билимга эътибор қаратадиган эмас, балки масъулиятли, одобли, адолатли инсон сифатида тарбиялади. Ўқувчининг бошқаларга ҳурмат билан қарashi ҳам қадр-қиммат билан боғлиқ фазилат.

– Сиз оилада қандай қадриятлар асосида тарбияланди ва уларни ўқувчиларга қандай етказишга ҳаракат қиласиз?

– Оиламизда – ота-онамиз Қавлонбек Йўлдошбеков асосий суянчимиз эди. Волида муҳтарам Дилбар Йўлдошбекова бугунги кунда неваралар оғушида. Отам оддий ишчи-тадбиркор бўлган. Биз у кишини “ўқимаган олим” деб атадик. Кўпинча: “Агар қўлингизда дипломингиз бўлганида, адажон, яна қанча катта ишлар қилган бўлардингиз”, деб айтардим. Чунки у киши расман олий таълим олмаган бўлсалар-да, ҳаёт тажрибаси, ақл-заковати ва донолиги билан бизга беназир тарбия берган шахс эди.

Отамиз баъзида қаттиққўл, керак пайтда эса меҳрибон ва кўлловчи эдилар. Оғир дамларда ҳамisha кўлаб-қувватлар, тўғри йўлни кўрсатарди. Инсон ҳаётда мустаҳкам туриши учун аввало кучли ирода ва виждон зарурлигини ўқитарди. Ҳаётимда шаклланишим, мустақил оёққа туришим ва бугунги кунда ўз ишимда муайян натижаларга эришимизда, аввало ота-онамнинг тарбияси юксак ўрин тутди.

Отамиз бизга оилада бирлик, ака-ука ва ака-сингил ўртасидаги оқибат қанчалик муҳим эканлигини болаликдан ҳис эттирди. Бу қадриятлар болалгимиздан қалбимизга синдирилди.

Онажоним эса сўзлардан кўра амаллари билан тарбия берган, вазмин ва камтарин инсон. Онамнинг “Мен дадангни яхши кўраман”, деган сўзини эшитмаганмиз, лекин уларнинг ҳар бир ишида, ҳар бир гапиде отамга бўлган юксак ҳурматни ҳис қилардик. “Дададан келяпти, тур”, “даданнинг кийимидан хатлаб ўтма”, “дадан уйда ўтирибди, уйнинг томига чиқма”, каби гаплар орқали отамизга бўлган чексиз эҳтиромни ҳис қилиб ўлғайдик.

Ҳатто шундай одатларимиз бор эди: дадамизнинг уйга қиядиган оёқ кийимини ҳеч қачон судрамасдик, кўлига сув куйганда икки қўллаб, эгилиб қуярдик. Бу – болаликдан қалбимизга синдирилган ҳурмат ва одобнинг, отага нисбатан юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси эди.

Ана шундай муҳитда ўлғайганимиз учун ҳам оила, садоқат ва ҳурмат каби қадриятлар менинг ҳаётимда доимо энг устувор ўринда туради.

– Ҳаётингизда сизни янада қатъиятли ва матонатли қилган бурилиш нуқтаси бўлганми?

– Бундай нуқталар, ростини айтсам, кам бўлмаган. Ҳаётнинг ўзи ҳамisha текис йўлдан иборат эмас, шахсий ҳаётим ҳам турли синов ва қийинчиликлар билан кечди. Бир эмас, бир неча бор шундай ҳолатлар бўлдики, инсон сифатида ҳам, аёл сифатида ҳам ўзимни синовдан ўтказишимга тўғри келди.

Аммо ҳар бир вазиятда чўкиб қолмасликка, таслим бўлмасликка ҳаракат қилдим. Қандай бўлмасин, бошим эгилиб қолмаслиги, тик туриб олдинга юришим мен учун муҳим эди. Шу йўлда менга қарши отилган ҳар бир “тош”, юзага чиқиши қийин бўлган ҳақиқатларни очиш учун қилинган ҳар бир ҳаракат аста-секин мени янада матонатли ва қатъиятли қилиб борди.

Шундай дамлар бўлдики, инсон ўзининг ички кучини фақат синовлар орқали англади. Мен ҳам айнан ана шундай бурилишлар орқали ўзимда метиндек мустаҳкам сабр ва матонат мавжудлигини анладим. Ҳар бир қийинчилик ортидан янада кучли бўлиб чиқиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи менга ўргатди.



Бугун босиб ўтган йўлларимга назар ташлар эканман, ўша синовлар учун беҳисоб шукр қиламан. Чунки улар мени синдирмади, аксинча, янада кучли ва иродали инсонга айлантирди.

– Катталарни бошқариш қийинми ёки болаларни тарбиялаш?

– Биласизми, болаларни тарбиялаш оғир иш эмас. Улар майин ва ҳассос ниҳол сингари, меҳр билан қарасангиз, шу томонга эгилади, гамхўрлик билан эса ривожланади. Болаларнинг қалби беғубор, қабул қилишга тайёр бўлади. Катталар билан ишлаш эса анча мураккаб. Чунки унинг дунёқарашлари, фикрлари ва ҳатто одатлари ҳам шаклланиб бўлган. Баъзан шундай ҳолатларни ҳам учратасизки, юзда табассум, тилда ширин сўз, аммо қалбда бошқа ният. Инсоннинг гапи билан қалби бир-бирига зид ҳолатлар ҳам учрайди. Шундай вазиятларни кўрганимда бир ҳақиқатни анладим, мен илгари ўқитувчи фақат ўқувчиларни тарбиялайди, деб ўйлардим. Аслида эса ўқитувчи катталар билан

ҳам ишлайди, уларга ҳам сабр, адолат ва тўғри муносабат орқали таъсир кўрсатади.

Бирок тан олиш керак, катталарни тарбиялаш – болаларни тарбиялашдан кўра анча мураккаб ва сабр талаб қиладиган жараён. Шунинг учун ҳам бу йўлда инсондан билим, донолик, сабр-тоқат талаб этилади.

– Тарбияда сиз учун нима муҳимроқ тартиб-қоидаларми ёки меҳр ва ишончми?

– Ўринли савол. Менимча, тарбиянинг энг мустаҳкам пойдевори – аввало ишонч. Чунки ишонч бор жойда инсоннинг қалби очик бўлади, у масъулиятни ҳам, бурчини ҳам чуқурроқ ҳис қилади.

Ҳаётим ва меҳнат фаолиятим давомида турли инсонлар билан тўқнаш келдим. Ростини айтсам, баъзан иш жараёнида турли синовлар, ишончга путур етказадиган ҳолатлар ҳам учради. Аммо шундай пайтларда инсонни руҳан мустаҳкам қилиб турадиган жиҳат – унинг атрофидаги содиқ ва вафодор инсонлар экан.

Шукри, ҳаётимда вафодор дўстлар



ота-она тарбия жараёнида мактаб билан ҳамкорлик қилса, натижа ҳам самарали бўлади. Баъзан эса биргина қиз боланинг тарбияси учун ойлаб, ҳатто йиллаб меҳнат қилишга тўғри келади.

Кузатишларимга кўра, ўғил болалар баъзан тарбияни тезроқ қабул қилади. Чунки уларда “йигитлик ваъдаси” деган тушунча кучли бўлади. Қиз болаларда эса ҳиссиётлар устун бўлгани учун аксинча ҳолатлари ҳам учрайди. Бугунги кунда ёшлар тарбиясида телефон ва интернетнинг таъсири ҳам жуда катта. Ота-оналар фарзандига меҳри жўшиб, телефон беради, лекин ниятларини кўраётгани билан қизиқмайди.

Шунингдек, телефони бўлса ҳам уни фақат ўқишга, тестларга тайёрликка ишлатаётган, билим олишга интилаётган ўқувчиларни кўрсам, қувонаман. Чунки тарбиянинг асоси барибир оиладан бошланади.

Шунинг учун мен ота-оналарга муурожаат қилардим: қиз бола доимо эътибор ва назоратда бўлиши керак. Унинг дугонаси ким, кимдан ўрнак олапти, буларни ота-она билиши муҳим. “Қиз болага қирқ уйдан тақиқ”, деб беҳизга айтилмаган. Чунки бир ҳақиқат: ўғил бола бир оилани тарбияласа, қиз бола бутун бир авлодни тарбиялайди. Шу боис қизларнинг тарбияси биз учун ҳамisha энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади.

– Кўпчиликнинг фикрига қарши чиқишга тўғри келган ҳолатлар бўлганми?

– Бундай ҳолатлар ҳаётимда кўп учрайди. Шундай вазиятларда виждоним ва ишончим қайси йўлни тўғри деб

ўзи қўллайдими”, деб такрорлайман. Шу ишонч инсонни оғир вазиятларда ҳам кутқаради.

Отажонимнинг насиҳатлари ҳам мен учун ҳамisha дастуриламал. У киши: “Менга суяниб қолма, ҳаёт чархпалак каби. Бир кун мен кетаман, ўшанда ўз аравангни ўзинг тортадиган пайт келади, қизим. Шунинг учун юқорига кўтарилганингда пастдагиларга тўғри муомала қил, чунки қайтишингда яна шу одамлар билан бирга бўласан”, дердилар.

Атрофимдагиларга ҳеч қачон кибр билан қарамайман. Шукри, ҳамкасбларим билан доимо яхши муносабатда бўлишга интиламан. Балки ана шу инсоний муносабатлар, ўзаро ҳурмат ҳисси ҳам мени таслим бўлмасликка ундайди.

Мен шижоатни, удабуронликни қадрлайман. Гапни айлантирмай, очик айтишни маъқул кўраман. Аммо уруш-жанжал, араз ва гина-адоватни ёқтирмайман. Одамлар аҳил, бир-бирига меҳрли бўлишини истайман.

Албатта, одамлар орасида тушунмовчиликлар ҳам, келишмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Лекин энг муҳими, уларни узоққа чўзмаслик, эртаси куни гина сақламай бир-бирини кечира билишидир. Кечирим ва бағрикенглик бор жойда инсонийлик ҳам, бирлик ҳам сақланади.

– Ҳаёт сизга аёл ва раҳбар сифатида берган қайси сабоқ энг қимматли бўлди?

– Босиб ўтган йўлимга назар солсам, ҳар бир йил, ҳар бир қадам мен учун катта тажриба ва ҳаёт дарси бўлди.

Тақдиримдаги зарбалар, тўқнашулар, қоқилишлар менга сабр, қатъият ва ички куч бағишлади. Тўрт фарзанд – икки ўғил ва икки қизини онасиман. Ўғилларим Бек ва Бахит олий ўқув юртида таълим олаётган спортчи йигитлар, қизларим Саъдия ва Зайнаб эса мактаб ўқувчилари.

Турмуш ўртоғим – ҳамкасбим Тоштемир Умаров, энг яқин сирдошим. Ақлли, мулоҳазали, шижоатли ва меҳнаткаш инсон сифатида у менга ва фарзандларимизга намуна. Аёл, она ва раҳбар бўлиш – бу ниҳоятда масъулиятли вазифа. Биз, устозлар, кўпроқ халқ, жамоа ва болалар учун югуриб кетамиз, лекин фарзандларим менинг меҳримга тўймай қолмасин, деган фикр доимо хаёлимда. Кўп шогирдлар тарбияладим, бугунги кунда улар билан ҳамкасбимиз ва бундан мен жуда ҳам мамнунман.

Ота-онам, акам, опамнинг кўмаги, ҳамкасбларимнинг самимиети доим менга далда бўлди. Шу каби муносабатлар ва ҳаёт сабоқлари орқали мен қатъиятли, шижоатли ва инсонийликни қадрлайдиган раҳбар ва она бўлишга эришдим.

Мен бугун раҳбар сифатида адолат қатъиятини устувор тамойил деб биланман. Бу фазилатлар шаклланишида устозларимдан олган сабоқларимнинг ўрни беқийс. Айниқса, мактабимизнинг собик директори, ҳозирда нафақада бўлган устозим Абдураҳмон Нишонбоевдан ҳаёт ва раҳбарликка доир кўп сабоқ олганман. Шунингдек, ҳаёт йўлида шижоат ва сабр-бардош билан қадам ташлашимда нафақадаги устозларим – Фарида Йўлдошева ва Зумрад Аҳмедоваларнинг маслаҳатлари ҳамда ибратли фаолияти мен учун доимо мустаҳкам таянч бўлиб келмоқда.

Ёшларга маслаҳатим – ҳар бир инсон ўзини ва атрофдагиларни ҳурмат қилиб, сабр ва ишонч билан яшаши керак. Ана шундай муносабатлар ва фазилатлар ҳақиқий бахтининг калитидир.

– Суҳбатингиз учун ташаккур!

Малика ЭЛТОЕВА.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Сағрон – Шамираза МАДАЛИЕВ, +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ, +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ, +7702-278-96-90
Тулқибоб – Мунира САЪДУЛЛАЕВА, +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА, +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА, +7702-841-78-82
Кентош, Сўзёқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ, +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларида фот
ханда далилларнинг тўрилиши учун муаллиф
лар, реклам ва эълон берувчилар масъул.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VRY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR” ширкати МЧБ Босмаҳонасида chop этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10700 нуска.
Бўғимча 652. Навбатчи муҳаррир: Шаҳноза ТОШПҲАТОВА.